

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХҮЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ
МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ.

Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЧИЛИГИ ШАКЛИ: ИЖАРА
ВА КОНЦЕССИЯ.

Маъruzachi: Дўсмуратов.Ғ

Мавзу: ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИ ШАКЛИ: ИЖАРА ВА КОНЦЕССИЯ.

Рёжа.

- 1. Ижара муносабатлари. Ижара турлари. Турли хил мол-
мулкларнинг ижара хусусиятлари**
- 2. Лизинг давлат-хусусий шерикчилигининг шакли сифа
тида**
- 3. Амалиётда концессиянинг давлат-хусусий шерикчи -
лиги шакли сифатида тушунчаси**

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги “Ижара тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида ижарага қуидагича тариф берилган: “Ижара шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек хўжалик фаолиятини ва ўзга фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш учун ижарачига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгалик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборатdir”.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат-хусусий шерикчилигига тадбиркорларнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилишларида ижара муносабатларининг аҳамияти катта.

- Маълумки, пудрат шу жумладан ижара пудрати ҳам маълум ишни бажариш усули, меҳнатни ташкил этишнинг бир шакли ҳисобланади. Ижара эса - ана шу мулк эгаси томонидан фойдаланиш учун мол -мулк ер^ёки бошқа табиий ресурсларни маълум муддатга ва ҳақ эвазига бериш усулидир.

Илмий адабиётларда ижара тушунчаси моҳияти, турлари бўйича ҳар ҳил ёндошувлар тағлиф қилинган. Масалан, В.Башмачников ижарани икки турга, яъни хўжаликдан ташқаридаги ижара бошқача айтганда, эркин, ҳақиқий ижара ҳамда **ички хўжалик** ижарасига ажратади.

Шунингдек, А.Гвозидиков ва Т. Пестряковлар ҳам ижарани уч турга,

ички хўжалик ижараси

мақсадли ижара

эркин ижарага бўладилар.

Кўрииib турибдики, ижара ва пудрат тушунчалари бир -бири билан аралаштирилиб юборилган.

Ижара муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари

Хусусиятлар

Мулк эгаси томонидан ўз мол – мулкини ижарага бериши ва бунда мулқ ҳуқуқи ўз эгасида қолиши

Мол – мулк белгиланган муддатга ижарага берилиши

Мол – мулкни маълум ҳақ эвазига ижарага берилиши

Ижара муносабатлари асрини ижара шартномаси ташкил этилиши

Ижарага берилган мол – мулқдан ижарачининг мустақил тарзда фойдаланиши

- Ижара арабча «ижора» деган сўздан келиб чиқсан бўлиб, мулкни ёллаш бўйича шартнома, - унга кўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачи) маълум тўлов эвазига мол - мулкни вақтинча фойдаланиш учун беради.

Ижара тушунчаси жуда кенг мураккаб бўлиб, у мулкчилик муносабатлари билан бўлган ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Ижара юзасидан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқук нормалари билан тартибга солинади ва ўзига хос хусусиятларга эга. Булар:

- ✓ биринчидан, мулк эгаси томонидан ўз мол -мулкини ижарага бериш мумкинлиги, бошқалар бундай ҳуқуқقا эга эмаслиги;
- ✓ иккинчидан, мол-мулк ижарага фақат олдиндан белгиланган муддатга берилиши;
- ✓ учинчидан, мол-мулкни маълум ҳақ эвазига ижарага берилиши;
- ✓ тўртинчидан, ижара муносабатлари фақат шартномаларга асосланиши;

Ижарачининг ижтимоий-иктисодий моҳиятини назарий ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда қуидаги холосага келинди:



- ижара иктиносидий категория сифатида ижарачилар билан ижарага берувчилар ўртасидаги ўзаро иктиносидий муносабатларни аниқлаб беради ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан бирлашишини таъминлайди;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижара шакли, ички хўжалик ҳисоби асосидаги ишлаб чиқариш ва хўжалик юритищдаги иктиносидий муносабтларининг ўзига хос шаклидир.

Ижара муносабатларининг объекти:

Куйидагилар ижара муносабатларининг объектлари бўлиши мумкин, чунончи:

корхоналар, айрим ишлаб чиқаришлар, цехлар, фермалар, бошқа бўлинмалар, ташкилотлар;

айрим бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, инвентарлар, асбоблар, бошқа моддий бойликлар;

ер (кишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар ижарага фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун берилади) ва бошқа табиий ресурслар.

Ижарага топширишга йўл қўйилмайдиган корхоналар, ташкилотларнинг турлари, мулк ва табиий ресурсларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Ижара муносабатларининг субъектлари:

Ижарага берувчи ва ижарачи ижара муносабатларининг субъектлари ҳисобланадилар.

Мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган идора, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари мол-мulkни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлган ижара берувчи ҳисобланади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан совет ва чет эл юридик шахслари иштирокидаги қўшма корхоналар, халқаро уюшмалар ва ташкилотлар, шунингдек хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ижарачи бўлишлари мумкин. Чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг давлат мулкини ижарага олишдаги иштироки Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8.2. Лизинг давлат-хусусий шерикчилигининг шакли сифатида

- Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларда бозор муносабатларининг шаклланиш жараёнида лизинг тушунчаси фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қўлланилмас эди.

Бозор муносабатлари ривожланиши ва унинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бориши натижасида 1995-1996 йилларда қабул қилинган Фуқаролик кодексига (ФК) дастлаб ижара муносабатларининг алоҳида тури сифатида “Лизинг (молия ижараси)” номли алоҳида бўлим киритилди.

ФКнинг 587-моддасида биринчи марта қуидагича таъриф берилди: “Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг оловчи (ижарага оловчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг оловчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг оловчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади”.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ва бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида лизинг фаолиятини янада кенгайтириш, унинг қонуний асосларини такомиллаштириш таъқазо этилади. Шунинг учун лизинг муносабатларини тартибга солишини янада такомиллаштириш учун 1999 йилнинг 14 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонуннинг 2-моддасига асосан “Лизинг (молиявий ижаралар)ни ижара муносабатларининг алоҳида тури сифатида белгилайди, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига 12 ойдан ошадиган муддатда эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг обьектини) олади”..

Лизинг ижарадан сезиларли фарқ қиласи. Гап шундаки, лизинг олувчи (масалан, мелиоратив корхона) нафакат мол мулкни фойдаланишга олади. Унга харидорнинг мулкий ҳуқуқи билан боғлиқ (етказиб беришдан ташқари) анъанавий мажбуриятлари юклатилади: тасодифий нобуд бўлиш риски, суғурталаш, техник хизмат кўрсатиш ва б. Бунда лизинг берувчи мулк эгаси бўлиб қолаверади.

Лизинг кредитда шуниси билан фарқ қиласиди, кредитда банк мулк эгалиги ҳуқуқини ссуда залоги сифатида ўз зиммасида қолдиради. Корхона ссудани қоплагандан кейин мулк унга ўтади. Лизингда унинг муддати ва барча шартлашилган сумма тўловлари тугагандан кейин, агар бошқа шартлар (мулкни қолдик қиймати бўйича сотиб олиш ёки уни лизинг олувчига мулк қилиб ўтказиб бериш) лизинг шартномасида назарда тутилмаган бўлса мулк лизинг берувчининг мулки бўлиб қолади.

8.3. Амалиётда концессиянинг давлат-хусусий шерикчилиги шакли сифатида тушунчаси

ДХШнинг барча шаклларидан асосий ва амалиётда энг кўп фойдаланиладиган ДХШ механизмларини ажратиш мумкин. Бундай механизмлардан бири концессия ҳисобланади. Дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакатларида ҳозирги вақтда давлат мулкини бошқаришда концессия механизмидан фойдаланилади, айниқса концессия шартномаларидан йўл соҳасида фаол фойдаланилади.

“Концессия” сўзи лотинчадан келиб чиқкан *concession* – рухсат (ингл. *concession*) ва ён берииш, муроса, талабчанликни бўшашириш, скидка қилиши деган маънони англатади.

Концессия (концессия шартномаси)

давлат-хусусий шерикчилиги шакли, давлат мулкини самарали бошқаришга ёки ўзаро фойдали шароитларида одатда давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўрсатишга хусусий секторни жалб қилишдир.

Концессия шартномаси тўлалигича давлат-хусусий шерикчилигининг мумкин бўлган шаклларидан бири ҳисобланади, унинг хусусияти оммавий тараф томонидан шартнома обьектига мулкчилик титулини сақлаб қолишдан ва концессиячининг (хусусий инвесторнинг) концессия органларига (оммавий-хукукий тузилма) унга эгалик қилганлик ва фойдаланганлик учун мунтазам хақ тўлашидан иборат.

Концессия ва ДХШнинг бошқа шакларини таққослаш*

Механизм номи	Баён қилиниши
1	2
1. Концессия шартномаси	
BOT (Build – Operate – Transfer) курилиш – бошқариш – ўтказиш	Хусусий шерик лойиҳалаш ва/ёки объектни қуришни (реконструкция қилиш) амалга оширади, объектни эксплуатация қилади, эксплуатация қилишдан даромад олади кейин объектни оммавий шерик мулкчилигига ўтказади.
DBOT (Design - Build - Operate – Transfer) лойиҳа – курилиш - бошқариш – ўтказиш	
BTO (Build – Transfer – Operate) курилиш – ўтказиш – бошқариш	Хусусий шерик объектни қуришни (реконструкция қилиш) амалга оширади, объект курилиш тугаллангандан кейин тезда оммавий шерик мулкчилигига ўтказилади, хусусий шерик объектни эксплуатация қилади ва эксплуатация қилишдан даромад олади.
BOO (Build – Own – Operate) или DBOO (Design – Build – Own – Operate) лойиҳалаш – курилиш – эгалик қилиш – бошқариш	Хусусий шерик объектни лойиҳалашни (курилиш, реконструкция қилиш) амалга оширади, мулкчилик ҳуқуқини олади, кейин уни оммавий шерик билан келишилган муддат давомида эксплуатация қилишни амалга оширади ва эксплуатация қилишдан даромад солади.
BBO (Buy – Build –Operate); LDO (Lease – Develop – Operate); WAA (Wrap – Around – Addition) сотиб олиш (ижара) – курилиш – бошқариш	Хусусий шерик давлатнинг активларини сотиб олади ёки ижарага олади, уларни модернизация қилади, активларни давлатга ўтказиш муддатлари бўйича ўзига маълум мажбуриятларни олмасдан оператор сифатида намоён бўлади.

Концессиянинг инвесторлар учун фарқли ЭНГ жозибадор белгилари

Концессиянинг фарқли белгилари	Бизнес учун қулай шароит яратиш
	Концессия обьектининг, энг аввало эксплуатация қилишдан олинадиган даромад ҳисобидан ўзини ўзи қоплаши
	Инвестор обьектни курилиш (рекнострукция қилиш) тугагандан кейин эксплуатация қилиш
	Лойиҳани ривожлантиришнинг барқарор, мустақил институтларини яратиш
	Давлат томонидан қўллаб қувватлаш мавжудлиги, шу жумладан, инвестиция фонди ассигнованияси, бюджет маблағларидан фойдаланиш ва ҳ.к.
	Компенсация тўловлари – давлат инвесторга давлат органларининг ноқонуний ҳаракатлари ҳолатида компенсация тўлашни кафолат беради

Концессия шартномасини (КШ) амалга оширишнинг умумий схемаси



Эътиборингиз учун раҳмат!